

**OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI**

**O'ZBEK TILSHUNOSLIGI KAFEDRASI**

**GRAMMATIK KATEGORIYALARNING SISTEM TADQIQI**

**fanidan**

**USLUBIY QO`LLANMA**

**Andijon - 2018**

Tuzuvchi:

Zakirova H.R. –ADU, “O’zbek tilshunosligi” kafedrasii  
dotsenti v.b., filologiya fanlagi nomzodi.

Taqrizchilar:

Nabiyeva D.- ADU, “O’zbek tilshunosligi” kafedrasii  
mudiri, dotsent, filologiya fanlagi doktori

Rahimov U. – ADU, “O’zbek tilshunosligi” kafedgasi  
dotsenti, filologiya fanlari nomzodi.

## 1- маъруза

### “Грамматик категорияларни систем ўрганиш” фанининг мақсад ва вазифалари

#### Режа:

1. «Грамматик категорияларни систем ўрганиш» фанининг мақсади, вазифаси ва объекти.
2. Анъанавий тилшунослиқда грамматик категорияларнинг ўрганилиш масаласи.
3. “Категория” ва категориялар системаси.
4. Грамматик категорияларнинг асосий белгилари.
5. Дунё тилларининг грамматик категориялар бўйича дифференциал белгилари.

Таянч сўз ва иборалар: *грамматика, категория, анъанавий тилшунослиқ, грамматик метод, система, структур-семантик, умумийлик ва хусусийлик, исм категориялари, абсолют замон, таксис, мулозамат категориялари.*

Президентимиз И.А.Каримов: “Илму фан соҳасидаги ҳаракатларимиз ҳам, илмий ишларимиз ва ютуқларимиз ҳам дунёдаги энг илғор мезонлар билан ўлчаниши лозим”<sup>1</sup>, - деган эдилар. Бу фикр ўзбек тилшунослиғи учун ҳам бевосита дахлдордир.

Ҳозирги ўзбек тилшунослиғи жаҳон тилшунослиғи қўлга киритган энг янги ютуқларни эътиборга олмоғи лозим. Шу сабабли ўзбек тилини жаҳон тилшунослиғида кенг қўлланаётган системавий-структур методлар асосида ўрганиш тобора кенгайиб бормоқда. Грамматик категорияларни сўз туркумлари доирасида (масалан, от сўз туркумида келишик, эгалик, кўплик категорияси ўрганилган) ўрганиш грамматик категорияларнинг моҳиятини очишга ёрдам бермайди, фақат у ҳақида маълумот беради, холос.<sup>2</sup> Шу боис грамматик категорияларнинг умумий ва хусусий белгиларини аниқлаш, унинг структурасини белгилаш, типларини ажратиш, морфологик ва синтактик категорияларини фарқлаш талаб этилади. Худди шу масалаларни ўрганиш фанининг мақсадини ташкил қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш белгиланди:

- ✓ Грамматик категориялар ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- ✓ Грамматик категорияларнинг структураси ва типларини ўрганиш;
- ✓ Морфологик ва синтактик категорияларни фарқлаш;
- ✓ Семантик ва грамматик категориянинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилиш.

“Грамматик категорияларни систем ўрганиш” фанининг объекти, яъни ўрганиладиган тил ҳодисаси, бу грамматик категориялардир. Грамматик категорияларни систем ўрганиш, уларни шаклдан мазмунга қараб эмас, балки мазмундан шаклга қараб таҳлил қилишдир.

Анъанавий тилшунослиқда грамматик категориялар автоном равишда, грамматик метод асосида кўп маротаба тадқиқ қилинган.<sup>3</sup> Ҳар бир сўз туркумига оид грамматик категорияларни ўрганганмиз. Лекин сизлар билан ўрганган билимларимиз тил ҳодисаларининг моҳиятини тўлиқ очиб бера оладими? Масалан, замон категориясини кўрайлик:

*Меҳмонлар келди.*

*Меҳмонлар келди-ю, сен беҳабар қолдинг.*

Ҳар иккала мисолда ҳам кесим ўтган замон шаклида. Энди мазмунга эътиборни қаратайлик: биринчи мисолда иш-ҳаракат бажарилган, иккинчи мисолда эса меҳмонларнинг ҳали келмагани мазмундан аниқ. Демак, бу ерда шакл ва мазмун бир-

<sup>1</sup> Каримов А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-китоб.-Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 80.

<sup>2</sup> Бондарко А.В.Теория морфологических категорий.- Л.,1976. -С.6

<sup>3</sup> Нурмонов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. –Т.: Фан, 1982 –Б. 8

бирига тўғри келмайди. Ёки келишик категориясининг ўзига хос хусусиятларидан бири, қаратқич ва тушум келишигининг белгили ва белгисиз қўлланишидир.

Қуйидаги мисолга эътиборни қаратайлик: *узум емоқ, узумни емоқ*. Биз бу мисолларни бир хил таҳлил қилганмиз, фақат биринчи ҳолатда белгисиз қўлланган, аммо савол берсак, узум сўзининг тушум келишигида эканлигини билиб олишимиз мумкин, деб айтамыз. Энди бу ҳолатга бошқача ёндашайлик. Узум емоқ деганда, умуман узум ейишни тушунамиз, у қанақа узум, қаердаги узум аниқ эмас. Иккинчи ҳолатда эса узум аниқ, конкрет бўлади. Демак, бу икки ҳолат бирининг аниқлиги, иккинчисининг эса ноаниқлиги билан фарқланади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи ҳолатда умумийлик хусусияти намоён бўлса, иккинчи ҳолатда хусусийлик юзага чиқади.

Кўринадики, ўта бой тил материалларини грамматик метод орқали систем жиҳатдан тўлиқ таҳлил қилишнинг иложи йўқ. Шу сабабдан грамматик категорияларни структур-семантик жиҳатдан комплекс таҳлил қилишга зарурият пайдо бўлган.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида тилни системавий тадқиқига бағишланган кўплаб асарлар яратилди. Хусусан, проф. А.Нурмонов, проф. Х.Неъматов, Р.Расулов, Т.Мирзақулов, М.Қурбонова, Р.Сайфуллаева, О.Бозоров, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Н.Маҳкамов, А.Собиров, Д.Набиева, Ж.Элтазаровнинг асарлари структур йўналишнинг чуқур илдиз отишига олиб келди. Уларда тил бирликларини шакл ва мазмун жиҳатдан моделлаштириш, шаклий ва мазмуний бирликларнинг ўзаро муносабатини белгилаш муаммоларини ёритишга эътибор қилинди.

Масалан, Ш.Шаҳобиддинова «Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши» мавзусидаги филология фанлари номзодлик ишида морфологик категорияларни бошқа турдаги категориялардан фарқлаш ҳамда ҳар қайси морфологик категориянинг морфологик системадаги ўрнини белгилаш масалалари ёритилган.

Биз, энг аввал, “категория” ва “грамматик категория” тушунчаларини кўриб чиқамиз. Улар умумий ва хусусий белгилари билан аниқланади: категория – бу кенг маънода тил элементларининг маълум бир умумий ўхшашлигига кўра ажралган ҳар қандай гуруҳидир.<sup>4</sup>

“Категория” (юнон. *Kategogna* - айблов, белги) фалсафада ҳақиқат ва билиш ҳодисаларининг муносабатини, моҳиятини, умумий хусусиятларини кўрсатувчи умумий, фундаментал тушунчадир.<sup>5</sup> Категориялар амалий амалиёт ва тарихий тараққиётни умумлаштириш натижасида юзага келади.

Грамматик категория “маълум тилда грамматик шакллар системаси орқали ифодаланган умумлашган маънони билдиради, унинг структураси тилнинг морфологик типига боғлиқ бўлади”.<sup>6</sup>

Дастлабки фалсафий қарашларда категория тушунчаси дунёнинг бирламчи унсурлари (суб, ҳаво, ер, олов) сифатида намоён бўлган. Борлик ва тафаккур, онг ва билиш тушунчалари фарқлангандан кейин категория мантикий кўринишга эга бўлди.<sup>7</sup>

Масалан, Платон бешта асосий категорияни кўрсатади:

1) моҳият; 2) ҳаракат; 3) тинчлик; 4) ўхшашлик ва 5) фарқлилик. Аристотель “Категориялар” трактатида категорияни объектив борлиқнинг олий умумлашмаси сифатида кўрсатади ва ўнта асосий категорияларни фарқлайди: 1) субстанция (моҳият), 2) миқдор, 3) сифат, 4) муносабат, 5) макон, 6) замон, 7) вазият, 8) ҳолат, 9) ҳаракат ва 10) уқубат. Бироқ Аристотель категорияларнинг диалектик муносабатини очиб бера олмади.

<sup>4</sup> Бондарко А.В. Теория морфологических категорий. - Л., 1976. - С.16

<sup>5</sup> Булыгина Т.В., Крылов С.А. Категория. // Лингвистический энциклопедический словарь. - М., 1990. - С.58

<sup>6</sup> Ярцева В. Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков. - В кн.: Типология грамматических категорий. Мещаниновские чтения. - М., 1975. - С. 5.

<sup>7</sup> Шелякин М. А. К вопросу о методологических основах системно-структурного описания грамматических категорий (2). - Уч. зап. Тартуского ун-та. Вып. 486. Тарту, 1979. - С.17

Шунга қарамай, Аристотель яратган категориялар системаси бир неча асрлар давомида ҳукмронлик қилган.<sup>8</sup>

И.Кант категорияни ақлнинг тажриба ва фактларга асосланмаган формаси, шакли сифатида қараган. Кант фикрича, категориялар предметларнинг (нарсаларнинг) ўзида эмас (“нарсга ўзида”), балки билувчи субъект, унинг тафаккур структурасида акс этади. Кант куйидаги категорияларни ажратади:

- 1) сифат (моддийлик, зидлик, чегара);
- 2) миқдор (бирлик, кўплик, бутунлик);
- 3) муносабат (субстанция ва ораз, сабаб ва оқибат, бир-бирига таъсир);
- 4) модаллик (эҳтимоллик ва эҳтимолсизлик, реал ва нореал, зарурлик ва тасодиф).<sup>9</sup>

Бу система инсон тафаккурининг муҳим категорияларини қамраб олади ва ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Г.Гегелнинг категориялар системасининг яратилиши улкан прогресс бўлди. Бу таълимотда фалсафа диалектик категориялар системаси сифатида белгиланди - тафаккурда, табиатда, руҳиятда, тарихда. Аниқ мантикий категориялар куйидагича:

- 1) борлик (сифат, миқдор, ўлчам);
- 2) моҳият (асос, ҳодиса, борлик, борликқа субстанция, сабаб ва бир-бирига таъсир),
- 3) Тушунча (субъект, объект, абсолют ғоя).

Гегель диалектик категорияларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро бир-бирига ўтишини кўрсатган.<sup>10</sup>

Кўринадики, грамматик категорияларни таснифлаш анъанавий лингвистиканинг марказий масалаларидан бири бўлган. Бу ҳақда Л.В.Щербанинг куйидаги фикри диққатга сазовордир: “... грамматика тилдаги мавжуд категорияларнинг тавсифига олиб боради”.<sup>11</sup>

Т.В.Матвеева “категория” терминини умумилмий терминлар қаторига кўшади. У категория термини тилшуносликда умумий хусусиятга эга бўлган тил бирликларининг гуруҳига айтилади деб таъкидлаган. Грамматик категорияларга келганда эса уни бир-бирига зидланган грамматик шаклларнинг системаси деб таърифлайди.<sup>12</sup>

Демак, грамматик категория бир хил маъноли бир-бирига зидланадиган грамматик шакллар системасидир. Бошқача қилиб айтганда, Грамматик категориялар бир хил маъноли, бир-бирини тақозо қилувчи ва айна пайтда бир-бирига зидланувчи грамматик шакллар системасидир.

Грамматик категорияларнинг асосий белгилари:

- 1) иккидан ортиқ элементга эга бўлиши;
- 2) маъно ва унга боғлиқ бўлган форма, шаклларнинг муштарак системаси (масалан, тилда замонни билдирувчи қанча шакл бўлса, шунча замон тури мавжуд).
- 3) Грамматик категорияга мисоллар:
- 4) Исм категориялари: келишик, шахс, мувофиқлашув синфи (икки томонлама мослашув, масалан, рус тилида *жине* большой дом, большая квартира), аниқлаш, рус тилида одушевлённость.
- 5) Феъл категориялари: замон, абсолют замон, таксис, нисбат, майл, шахс-замон.

<sup>8</sup> Шелякин М. А. К вопросу о методологических основах системно-структурного описания грамматической категории (2). - Уч. зап. Тартуского ун-та. Вып. 486. Тарту, 1979. –С.29

<sup>9</sup> Шелякин М. А. К вопросу о методологических основах системно-структурного описания грамматической категории (2). - Уч. зап. Тартуского ун-та. Вып. 486. Тарту, 1979. –С.30

<sup>10</sup> Плуноян В. А. Грамматические категории, их аналоги и заместители. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. — М.: 1998.-С. 46

<sup>11</sup> Щерба Л. В. О служебном и самостоятельном значении грамматики как учебного предмета. - В кн.: Щерба Л. В. Избранные работы по русскому языку. - М., 1957.-С.32

<sup>12</sup> Матвеева Т.В. Учебный словарь: русский язык, культура речи, стилистика, риторика- М.,2003.

б) Исм ва феълга оид категориялар: сон, мулозамат (этикет) категориялари.

Ҳар бир тилнинг грамматик категорияларини белгилаш, уларнинг ўзига хос хусусиятларига таянади. Шу билан бирга ҳар бир тилнинг бошқа тил билан ўхшашлик томонлари ҳам мавжуд бўлади.

Дунё тиллари грамматик категориялар бўйича қуйидагича дифференциал белгиларга эга:

- 1) ГК нинг миқдори ва состави (масалан, славян тилларининг феъл турлари категорияси; иберий-кавказ тилларининг грамматик синф (*инсон ва нарса*) категорияси; артиклга эга бўлган тилларнинг аниқ ва ноаниқлик категорияси; япон ва корейс тилларидаги мулозамат категорияси);
- 2) Бир категория таркибида мавжуд бўлган аъзоларнинг миқдorigа кўра (рус тилида олти келиш бўлса, баъзи доғистон тиллари қирқдан ортиқ келиш мавжуд);
- 3) Қайси сўз туркумлари у ёки бу категорияга эга эканлигига кўра (ненец тилида от сўз туркуми шахс ва замон категориясига эга).<sup>13</sup>

Уқоридагилардан кўринадики, турли тилларда грамматик категориялар сони ҳам ҳар хил.

## 2-маъруза

### Мавзу: Семантик категориялар ва грамматик категориялар

#### Режа:

1. Қадимги ва ҳозирги тилларда семантик категориялар.
2. Синтактик семантика.
3. Семантик ва грамматик категориялар.

Таянч сўз ва иборалар: *лингвистик семантика, акустик сигнал, объектив реаллик, ономасиологик, семасиологик, пропозиция, мантиқий ҳукм, морфологик семантика, детерминация, флекция, иккилик сон, учлик сон категорияси, ўргамчак сон категорияси, аспектуал аспект, темпорал аспект, модал аспект, ички замон.*

Лингвистик семантика тилшуносликнинг нисбатан янги соҳасидир. Тингловчи акустик сигнал орқали объектив реаллик ҳақида маълумотга эга бўлади. Лисоний фаолиятда гапириш ва тушуниш, нутқ ҳосил қилиш ва уни идрок қилиш жараёнлари алмашилиб туради.<sup>14</sup> Шунинг учун лингвистик бирликлар семантикаси икки йўналишда: 1) ономасиологик; 2) семасиологик томондан ўрганилади. Биринчи йўналишда гап ҳосил қилиш жараёнига, иккинчи йўналишда эса гапнинг объектив мазмун (пропозив) томонига эътибор берилди.

Классик мантиқда пропозиция ёки мантиқий ҳукм дейилганда борлиқнинг маълум предикатлари ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан ахборот берувчи фикр шакли тушунилган.<sup>15</sup>

Дунё тилларидаги грамматик категорияларининг кўпчилиги семантик категорияларга тааллуқлидир.

<sup>13</sup> Плунгян В. А. Грамматические категории, их аналоги и заместители. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. — М.: 1998.

<sup>14</sup> Принципы и методы семантических исследований. М.:Наука, 1976. —с.10.

<sup>15</sup> Колшанский Г.В. Некоторые вопросы семантики языка в гносеологическом аспекте. Принципы и методы семантических исследований. М.:Наука, 1976. —с.7

Морфологик категорияларнинг семантикасини кўриб ўтсак. От сўз туркумига хос бўлган семантик категорияларга сон ва детерминация (аниқлик ва ноаниқлик) киради. Сон категорияси, детерминация ва келишиклар бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, бир грамматик кўрсаткич(флекция) орқали юзага чиқади.<sup>16</sup> Сон категорияси одатда икки грамма (кўплик ва бирлик) билан ифодаланади, лекин баъзи тилларда иккилик сон тушунчаси ҳам мавжуд (улар жуфт объектларга нисбатан: *лаб, кўз, соҳил* каби).<sup>17</sup> Иккилик сон қадимги юнон тилида, санскритда, қадимги рус тилида, классик араб тилида мавжуд бўлган. Бу сон категорияси баъзи ҳозирги тилларда (словян, коряк, хантий) ҳам бор. Янги Гвинея тилларида яна ҳам ноёб категория уч объектни ифодаловчи учлик сон категорияси бор ёки бир қанча объектларни ифодаловчи ўргамчак сон категорияси мавжуд.<sup>18</sup>

Энди, феъл семантик категорияларига тўхтайлик. Феълнинг семантик грамматик категориялари турли хил бўлиб, у ҳар бир тилнинг ўз хусусийликлари билан боғлиқ ҳолда бўлади.

Феъл категориялари нисбий ҳолда учта семантик зоналарга ажралади: аспектвал, темпорал ва модал. Аспектвал (турлар бўйича) маъноларга вазиятларнинг замонга бўлган муносабати (давомийлиги, чегараланганлиги, қайтарилиши) киради ёки у ёки бу вазиятнинг қайси фазасида (бошланғич ёки якуний ҳолат) юз беришини ифодалайди.<sup>19</sup> Бу ўринда ушбу аспекти характерловчи номи феълнинг “ички замон” тушунчасидир.

Грамматик категорияда эса замон маълум вазиятнинг бошқа вазият билан (ҳисоб нуктасидан ) олдин, бир вақтда ёки кейин бўлганлигини тахминий кўрсатади. Ҳисоб нуктаси эркин ва фиксир (қайд қилинган) бўлиши мумкин. Эркин бўлганда *нисбий замон категорияси* ёки таксис бўлиши мумкин. Қайд қилинган ҳисоб нуктаси нутқнинг айтилиш вақтига тўғри келиб, *абсолют замон категориясини* юзага чиқаради. У учта грамма билан ифодаланади: ўтган, ҳозирги ва келаси замон. Ўтган замон давом феъли (имперфект) ва ўтган замон чегара феъли (аорист) типик комбинацияни ташкил қилади.

Синтактик категориялар семантикаси ҳам ўзига хос. Ҳар қандай лисоний белги шакл ва маъно бирлигидан иборат. Лекин анъанавий синтактик назарияларда асосан гапнинг шаклий тузилиши ўрганиб келинди. Фақат айрим ўринларда (гапнинг коммуникатив мақсадига кўра турларини белгилашда; гап бўлақларининг ички таснифида; аниқловчиларнинг сифатловчи, қаратувчи, изоҳловчиларга бўлинишида) семантикага мурожаат қилинади.

Н.Д.Арутюнованинг таъбири билан айтганда, 60-йиллар ўрталаридага келиб гап семантикасига “штурм” бошланди.<sup>20</sup>

Пропозиция фақат гаплар орқали ифодаланиши шарт эмас. У сўз бирикмаси ва сўзлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *Карим келди –Каримнинг келиши*. Бу конструкцияларнинг мазмуний яқинлашишига марказий элементларнинг умумийлиги асос бўлади. Демак, маълум бир синтактик структура гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари, бошқа белгиларга – коммуникатив мустақиллик ва модаллик белгиларига эга бўлиши керак.<sup>21</sup>

Қуйида грамматик категория унсурлари билан семантик категория унсурларини солиштирсак, қуйидаги ҳолат юзага чиқади:

Семантик категория унсурлари

Грамматик категория унсурлари

<sup>16</sup> Калинина Л.В. Лексико-грамматические разряды имён существительных как пересекающиеся классы слов (когнитивно-семасиологический анализ). Монография. -Киров, 2009.

<sup>17</sup> Колшанский Г.В. Некоторые вопросы семантики языка в гносеологическом аспекте. Принципы и методы семантических исследований. М.:Наука, 1976. –С.12

<sup>18</sup> Ўша асар.-Б.21

<sup>19</sup> Мартемьянов Ю.С. Семантика в порождающей грамматике: проблемы и результаты. Принципы и методы семантических исследований. М.:Наука, 1976. –С.314

<sup>20</sup> Арутюнова Н.Д. Логические значение теории. Принципы и методы семантических исследований. М.:Наука, 1976. –С.95

<sup>21</sup> Нурмонов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. –Т.: Фан, 1982

1. Субъект	эга
2. Предикат	кесим
3. Объект	тўлдирувчи
4. Атрибут	аниқловчи
5. Предмет, ҳодиса	от сўз туркуми
6. Жараён(ҳаракат, ҳолат)	феъл сўз туркуми
7. Сифат	сифат сўз туркуми
8. Микдор	сон сўз туркуми
9. Муносабатлар	кўмакчилар, боғловчилар, келишик категорияси

Кўринадики, семантик категориялар билан грамматик категориялар унсурлари бир-бирларига мазмун жиҳатдан яқинлашади. Семантик категорияларда мазмундан шаклга қараб эътибор берилса, грамматик категорияларда шаклдан мазмунга борилади.

### 3-маъруза

#### Мавзу: Грамматик категория типлари ва структураси

#### РЕЖА:

1. Грамматик категорияларнинг турлари
2. Морфологик категорияларнинг грамматик маъноларига ва грамматик белгига кўра турлари.
3. Синтактик категорияларнинг турлари.
4. Грамматик категорияларни белгиловчи усуллар.
5. Грамматик категорияларда оппозитив муносабатларнинг мўтадиллашуви.

**Таянч сўз ва иборалар:** *морфологик категориялар, синтактик категориялар, грамматик маънолар, граммемалар, маъноли грамматик категориялар, шаклли грамматик категориялар, коррелятив ва модификацион категориялар, классификацион ва коррелятивсиз категориялар, деривацион категориялар, синтакматик ва парадигматик категориялар, бирлаштириши тамойили, оппозитив муносабат, табиий тасниф тамойили.*

Анъанавий тилшуносликда грамматика морфология ва синтаксисга ажралгандай, грамматик категориялар ҳам ўзи боғлиқ бўлган соҳага қараб морфологик ва синтактик категорияларга ажралади.

Ҳар қандай грамматик категорияда кўплаб грамматик маъно (граммема)лар мавжуд бўлади, ана шу грамматик маънолар ёки граммемалар бир вақтнинг ўзида бир сўз шакл билан ифодала олмайди, лекин бир сўз шакл бир нечта грамматик категорияларнинг граммемаларига эга бўлиши мумкин.<sup>22</sup> Масалан, ўзбек тилида бирлик ва кўплик граммемалари фақат ўзига хос бўлган сўз шакл орқали ифодаланиши мумкин, улар иккаласи бир сўз шакл орқали ифодала олмайди.

Грамматик маънолар характерига кўра қуйидагиларга бўлинади:

<sup>22</sup> Ярцева В. Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков. - В кн.: Типология грамматический категорий. Мещаниновские чтения. -М., 1975, с. 15.

- Маъноли (номинатив, семантик, референциал) грамматик категориялар, улар бевосита тилдан ташқари борлиқда ҳам иштирок этишади.
- Шаклли (асемантик, формал-структур) грамматик катеориялар, улар фақат чегараланган сўз шакллар орқали намоён бўлади. Масалан, отлардаги келишик, кўплик, феъллардаги шахс; формал-структур типлари бўлган турланиш ва тусланиш.<sup>23</sup>

Грамматик категориялар грамматик белгига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- Шакл ясовчи категориялар (коррелятив, модификацион), бу категорияларга кўра лексемалар ўзгариши мумкин бўлади. Масалан, отлардаги келишик, феълдаги замон ва майл.
- Классификация қилувчи, таснифловчи (классификацион, коррелятивсиз) категориялар, бу категориялар бир тўп лексемаларга хос бўлиб, улар доимийлик белгисига эга бўлади.<sup>24</sup> Масалан, сўз туркумлари, ўтимли ўтимсизлик, тусланиш ва тусланмаслик.

Коррелятив даражасига кўра шаклли грамматик категориялар қуйидагиларга ажратилади:

Сўз ўзгартирувчилар (коррелятив, флектив), модифиция қилувчилар (корреляциялар миқдорини билдирувчи) берилган сўз туркумидаги ҳамма сўзларга оид;

Деривацион (сўз ясовчи, лексико-грамматик), сўз туркумининг маълум қисмига оид корреляция миқдорини билдирувчи. Масалан, отлардаги кўплик, феъллардаги майл.<sup>25</sup>

**Синтактик категориялар**, аввало, иккига бўлинади: синтакматик категориялар ҳамда парадигматик категориялар. Синтакматик турларига структур-синтактик грамматик категориялар киради: тобеланиш, бирикув, предикация, атрибут (аниқловчи), актант ( ) .

Парадигматик категорияларига қуйидагилар киради:

- ✓ гапнинг грамматик категориялари (*коммуникатив*), *тасдиқ/инкор*, *модаллик*;
  - ✓ синтагма грамматик категориялари (*сўз бирикмалари*, *гап бўлаклари*, *иштирокчилар*);
  - ✓ номинатив гуруҳнинг грамматик категориялари (*аниқлик/ноаниқлик*, *сон*, *шахс*);
  - ✓ предикат грамматик категориялари (*диатеза – субъект ва объектнинг турли муносабатларини кўрсатади*);
- ✓ атрибут грамматик категориялари (*қиёслаш даражаси*, *интенсивлик*) ва бошқалар.<sup>26</sup>

Грамматик категорияларнинг характерли томонлари қуйидагилар:

- категорияга киритувчи белгининг модифицион типи;
- унинг синтаксисга алоқаси;
- категория йиғиндисидан бир шаклни танлаш зарурияти;
- уни ифодалашнинг доимий усулининг миқдори.

Бу белгилар биргалиқда грамматик категориянинг асосланишига таянч бўлади, аммо ҳар бир белги алоҳида олинганда грамматик категорияни асословчи белги бўла олмайди.

Грамматик категорияларни белгиловчи усуллар қуйидагилардир:

#### 1. Бирлаштириш тамойили.

<sup>23</sup> Ярцева В. Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков. - В кн.: Типология грамматических категорий. Мещаниновские чтения. -М., 1975, с. 18.

<sup>24</sup> Ўша асар.. -М., 1975, с.20.

<sup>25</sup> Борисова Т.Г. Когнитивные механизмы деривации: деривационная категория вещественности в современном русском языке: автореф. дис. д-ра филол. наук - Краснодар, 2008.

<sup>26</sup> Шелякин М. А. К вопросу о методологических основах системно-структурного описания грамматических категорий (2). - Уч. зап. Тартуского ун-та. Вып. 486. Тарту, 1979.

2. Зидланмаган фарқлилик муносабати.
3. Оппозитив муносабат.
4. Табиий тасниф тамойили.<sup>27</sup>

Грамматик категорияларнинг структур ўрганилишида Бирлаштириш тамойили катта аҳамиятга эга. Бу тамойилга кўра маълум грамматик категорияни ташкил қилувчи бирликлар ва категория синфлари бирлаштирилади. Асосий интеграция (бирлаштириш) вазифасини мазмун (масалан, замон маъноси) бажаради, у маълум категория компонентларининг бирлаштирувчи маъноси бўлади.

Замон категорияси замон, вақт, пайт семаларига эга бўлган тил бирликларини бирлаштиради. Семантик оппозиция ушбу тамойилга бўй сунади. Масалан, *ўтган замон, шу пайт, эртага, пешин, номозиом, саҳар* каби. *Fe'l turkumiga oid barcha so'zlar uchun umumiy xususiyat zamon bilan bog'liq holda yuz beruvchi hodisani ifodalashdir. Ana shu umumiy xususiyatiga ko'ra fe'llarning barchasi bir umumiy so'roqqa - nima qilmoq? so'rog'iga javob bo'ladi.* Бу фақат грамматик категорияларни бирлаштирувчи усуллардан биридир.

Грамматик категорияларни белгиловчи усуллардан яна бири зидланмаган фарқлилик муносабатидир. Ҳар қандай фарқлилик грамматик категория структураси элементи бўла олмайди, балки фақат маълум семантик бирлик доирасидаги фарқлилик бу хусусиятга эга.<sup>28</sup> Бундай бирликларга тур маъносини билдирувчи элементлар киради.

Оппозитив муносабат маълум категориядаги «семантик фазо» нинг бир асосда бўлинишидир.

Неоппозитив муносабат эса нисбий бир хил бўлган категория аъзолари ўртасида юзага келади. Неоппозитив муносабат юзага чиқарадиган фарқлилик табиий классификация тамойили билан боғлиқ.

Муносабатларнинг неоппозитив фарқлари табиий тасниф (классификация) тамойили билан боғлиқ. Ушбу тамойилни грамматик категорияларнинг структурасига тадбиқ қилганимизда табиий тасниф ушбу тилда объектив мавжуд бўлган қисмларга бўлинишни тушунамиз. Бу қисмларга бўлиниш қуйидагилар билан характерланади (ўзига хосликларга эга бўлади):

- 1) ушбу қисмларга бўлиниш асосидан четлашиш (отклонения) мумкинлиги;
  - 2) бундан келиб чиққан ҳолда бир бутуннинг қисм белгиларнинг бир хил эмаслиги, улардан ҳар бири бошқа компонентларда мавжуд бўлган ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган белгиларга эга эканлиги;
  - 3) бу билан боғлиқ ҳолда синфларнинг ўзаро кесишиш имкониятига эга эканлиги.
- Табиий тасниф онтологик ориентацияга эга эканлиги билан фарқланади.<sup>29</sup>

#### **Неоппозитив фарқ муносабатидаги категориал структуралар.**

Ўзбек тилида морфологик категориялардан майл (наклонения) категорияси буйруқ шакли, аниқлик шакли, ... шакларини бирлаштиради. Одатда бу категориянинг оппозитив структураси эътироз туғдирмайди. Бу категорияда ё аниқ (хабар, мақсад) ёки нисбий (буйруқ-истак, шарт) майллари приватив ёки эквиолент зидликда (оппозициясида) ёки уч аъзоли эквиолент зидликда бўлади.<sup>30</sup>

Аъзолари орасидаги муносабатга кўра зиддият:

А) нотўлиқ (**приватив**): *бола* ва *ўғил*. “Эркак жинси” зиддият белгисига нисбати *бола* 0, *ўғил* +. Ёки мустақил ва номустақил лексемалар. Мустақил лексемалар зиддият белгисига эга эканлиги билан кучли аъзо бўлади.

<sup>27</sup> Плуноян В. А. Грамматические категории, их аналоги и заместители. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. — М.: 1998.

<sup>28</sup> Шелякин М. А. К вопросу о методологических основах системно-структурного описания грамматический категорий (2). - Уч. зап. Тартуского ун-та. Вып. 486. Тарту, 1979.

<sup>29</sup> Шелякин М. А. К вопросу о методологических основах системно-структурного описания грамматический категорий (2). - Уч. зап. Тартуского ун-та. Вып. 486. Тарту, 1979.

<sup>30</sup> Ўша асар. – Б. 49.

Б)даражали (**градуал**) аъзолари камида 3та бўлади ва зиддият белгисининг ўсиб боришига кўра қатор ҳосил қилади. Масалан, а –е – и, ниҳол,кўчат, дарахт.

В)тенг қийматли (**эквиволент**) 2 аъзо қаршилантирилиб, ҳар бирининг ўзига хос, 2сига хос бўлмаган белгига эга бўлади. Масалан, овоз ва шовқинга кўра жарангли ва жарангсиз ундош тенг қийматли (ўзига хос белгига эга бўлган аъзоли) зиддиятни ҳосил қилади.

Бизнингча, ушбу категориянинг структура типи тўлиқ ҳал қилинмаган. Ушбу категорияда неопозитив муносабат ҳам мавжуд деб ўйлашимизга асос бор. Шу нуқтаи назардан фикр билдирмоқчимиз.

Реаллик ва эҳтимоллик билан сабаб бир хил бўлиши учун барча семантик белгиларда модаллик бўлиши лозим бўлади. Лекин сўзловчи (модал белги билдирувчи) ва тингловчи (ҳаракатни бажарувчи) муносабатларида сабаб алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабдан сабаб, реаллик ва ирреальлик орасидаги муносабат оппозицияни ҳосил қилмайди. Оппозиция белгиси бўлиши учун бир хил сабаб ёки бир хил асос бўлиши шарт.

Нисбат категорияси бинар оппозицияга асосланади.

Нисбат категорияси актив ва пассивни зидлаш билангина чекланмаган тилларда мураккаб кўп аъзоли муносабат бўлади, бу муносабатларда табиий танланишнинг асосий гуруҳланишдан ташқаридаги муносабатлар ҳам мавжуд бўлади.

Бирлик ва кўпликдан ташқари жуфт сонлар мавжуд бўлган тилларда оппозитив муносабатлар неопозитив муносабатлар билан тўлдирилади. Жуфт сонлар фақат миқдор маъносини билдирмай, балки жуфтлик маъносини, икки предмет орасидаги зич муносабатни билдиради. Охирги белги (жуфтлик белгиси) жуфт сонларни оппозитив муносабатлар чегарасидан ташқарига чиқаради.<sup>31</sup>

Келишик категориясини аъзоларга ажратишнинг ягона асосига таяниш мумкин эмас, чунки келишик шакллари системаси маъноларнинг ўзаро фарқли муносабатига таянади, улар ягона классификация тамойилига тобе бўлмайди.

**Грамматик категорияларнинг мўтадиллашуви.** Грамматик категориялар компонентлари ўртасидаги муносабатлар типи ҳар доим ҳам бир хил бўлмайди. Оралик ёки ўткинчи ҳолатлар ҳам учрайди, категория компонентлари ўртасидаги маълум бир муносабатда оппозицияга хос ва шу билан бирга неопозитив фарқли муносабат бўлиши мумкин. Масалан, шахс категориясида шу каби муносабатлар 3-шахснинг 1- ва 2-шахсга муносабатида кўриш мумкин. 3-шахснинг, бир томондан, 1- ва 2-шахсга муносабати ҳаракатнинг сўзловчи ҳам, ҳамсуҳбат ҳам бўлмаган шахсга (бу эса 1,2,3-шахснинг бир хил белгига эга эканлигини кўрсатади, аъзоларга бўлинишнинг ягона тамойили) тааллуқли эканлигини билдиради, бошқа томондан эса, ҳаракатнинг жонсиз нарсаларга тааллуқли эканлигини билдириш хусусиятига эга эканлигини кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ҳам 3-шахс оппозитив муносабатдан ташқарига, чегарасидан чиқиб кетади. Шахс-сон категорияси структурасида куйидаги ҳолатларда ҳам оппозитив муносабат аниқ ифодаланмайди: 3-шахснинг шахсиз функция шакли (Ёришяпти), 3-шахснинг ноаниқ шахс функция кўплик шакли (Уни бу ерда хурмат қилишади), 2-шахснинг бирликдаги умумий шахс функция шакли (Сени тушуниб бўлмайди). Бу маънолар шахс семантикасига тааллуқли бўлиб, лекин улар ҳаракатнинг 1,2,3-шахсга тегишли эканлигини кўрсатмайди.<sup>32</sup>

Албатта, оппозитив муносабат ва неопозитив фарқлилик ўртасида боғлиқлик мавжуд. Икки аъзоли категориялар учун оппозитивлик характерли бўлса, кўп аъзоли категориялар учун оппозитив ҳам, неопозитив ҳам бўлиши мумкин. Масалан, замон категорияси аъзоларга бўлинишнинг ягона тамойили асосланиб пайт шаклининг қаршилантирилиши қаторини ҳосил қилади. Хитой тилида ориентация (томон)

<sup>31</sup> Калинина Л.В. Лексико-грамматические разряды имён существительных как пересекающиеся классы слов (когнитивно-семасиологический анализ). Монография. -Киров,2009.

<sup>32</sup> Исаченко А.В. Грамматический строй русского языка в сопоставлении с словацким. Морфология. В 2 ч. Ч.1- Братислава,1965

категориясининг уч аъзоси мавжуд: нейтрал, яқинлашув узоклашув. Кўринадик, уч аъзоли структур типнинг алоҳида тури, нейтрал ҳолатни ўз ичига олган тури мавжуд.

**Категориал структураларида мавжуд интерпретациялар муносабати.** Грамматик категориялар доим оппозитив муносабатларга таянади. Айтиш мумкинки, грамматик категорияларда фақат бинар оппозития тушунчаси эмас, балки кўп аъзоли грамматик категориялар тушунчаси ҳам мавжуд. Кўриладиган масала грамматик категорияларда оппозитияни инкор этиш эмас, балки унинг статусини аниқлаш масаласидир.

Грамматик оппозития масаласи 50 йилларнинг охири ва 60 йилларнинг бошларида грамматик категориялар структураларининг турли типлари масаласи билан шуғулланишдан бошланган. Айниқса, бу тадқиқотлар асосида иккита хулосага чиқарилганлиги эътиборга молик: биринчидан, фақат икки аъзоли грамматик оппозитиялар эмас, балки кўп аъзоли оппозитиялар мавжудлиги; иккинчидан фақат приватив оппозития эмас, балки эквиолент ва шунингдек градуал турлари ҳам борлиги.

Неопозитив (зидланмаган фарқлилик) муносабатнинг грамматик категория структураларининг бир тип сифатида қараш грамматик категория структураларининг реал хилма хиллигини билиш учун қўйилган яна бир қадам деб тушуниш мумкин. Бундай ёндашиш оппозитиянинг грамматик категория компонентларининг бирлашиш шакллари ва усуллари ўртасида ўз ўрнини топишга ёрдам беради.

Т.В.Булигин: Оппозития аъзолари мазмун мундарижасининг бирлиги бўлса, ифода планида фақат фарқлилик муносабатида бўлади.<sup>33</sup> М.А.Шелякин эса интерпретациясида қуйидагича: "... агар бир грамматик маъно белгиланган бўлса, у ўз навбатида бошқа алоқадор бўлган грамматик бир хил грамматик категориянинг маъносини ҳам кўрсатади, у биринчи маъно билан қандайдир алоқада бўлади ёки умумий ё шартли қарама қаршилиқда бўлиб, чунки ҳар қандай фарқлилик ёки қарама қаршилиқ бир аниқловчи тушуриб, бошқа аниқловчини чиқаришди.<sup>34</sup> Бу ҳолатда биринчи аниқловчи ўз моҳиятини йўқотмайди. Фақат аниқловчилар кўпаяди”.

#### 4-маъруза

##### Мавзу: Морфемик категориялар

##### Режа:

1. Хусусий ва умумий грамматик маъно ҳамда грамматик шакл тушунчалари.
2. Морфемик категориялар ва унинг турлари.
3. Морфемик категорияларда нолисоний ва лисоний муносабатларнинг ифодаланиши.

**Таянч сўз ва иборалар:** *хусусийлик ва умумийлик, боғланиш ва алоқадорлик, ўхшашлик ва фарқлилик, морфемик категориялар, деревацион категориялар, трансформацион категориялар, асос ва дериват, лисоний ва нолисоний муносабатлар, ёпиқ система.*

Хусусийлик ва умумийликни тадқиқ этиш, ўрганиш масаласи ва усуллари ҳар бир фаннинг: фалсафанинг ҳам, физиканинг ҳам, тилшуносликнинг ҳам энг муҳим методологик масалаларидандир. Хусусийликнинг ҳам, умумийликнинг ҳам ўзига хос мазмуни бўлади.<sup>35</sup> Хусусийликларни тавсифлаш фанда бениҳоя катта аҳамиятга эга, уларнинг тавсифисиз биронта фан ривожлана олмайди. Тилда хусусийликлар, нутқий

<sup>33</sup> Бульгина Т.В., Крылов С.А. Категория. // Лингвистический энциклопедический словарь.-М.,1990.

<sup>34</sup> Шелякин М. А. К вопросу о методологических основах системно-структурного описания грамматический категорий (2). - Уч. зап. Тартуского ун-та. Вып. 486. Тарту, 1979.

<sup>35</sup> Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. - Т.: Шарк, 2005

ҳосилалар – товушлар, бўғин, сўз, сўз бирикмаси, жумлалар турли жиҳатдан тавсиф этилиши мумкин.

Билиш жараёнининг навбатдаги босқичи – умумийликларни очиш ва тушунтириш (таърифлаш) хусусийликлар тавсифларига таянади. Умумийликларни инсон онги, ақлидан бошқа бирорта асбоб-ускуна билан очиб бўлмайди. Умумийлик жонли муҳошадада берилган хусусийликларнинг жузъий хусусиятларидан ҳоли этилади ва онгда таркибий қисмларнинг барқарор муносабатларидан ташкил топган бутунлик тархи (рамзи, тимсоли, образи) сифатида мавжуд бўлади ва уни на фаҳм, на бирор турдаги асбоб-ускуна қамраб ололади.<sup>36</sup>

Умумийлик ҳамиша бутунликдир. Шунинг учун умумийликни ўрганишдаги илк босқич унинг таркибий қисмлари орасидаги муносабатларни (боғланиш ва алоқадорликларни, ўхшашлик ва фарқларни) ўрганиш, тадқиқ этишдир.

Умумийликнинг бутунлик сифатида таркибий қисмлари орасидаги муносабатларни очиш ҳали умумийликнинг ўзини очиш дегани эмас. Умумийликнинг моҳияти ўзига ўхшаш ва ундан фарқ қиладиган умумийликлар билан муносабатлари (боғланиши, алоқадорлиги, ўхшашлиги, фарқи, зиддияти) тадқиқи асосидагина очилиши мумкин. Масалан, умумий дарахтнинг моҳиятини очмоқчи бўлсак, умумий дарахтнинг ўсимликлар оламининг бошқа вакиллари – умумий буга, умумий ўт билан муносабатларини аниқлашимиз мумкин. Фақат шу муносабатларгина умумий дарахтнинг “танасидан шохланувчанлик” белгисини очиб бера олади. Чунки бошқа хусусиятлар (барглилик-баргсизлик, мевалилик-мевасизлик, йириклик-майдалик ва ҳ.з.) умумий дарахт учун муҳим эмас. Лисоний бирликларда ҳам худди шундай. Лисоний бирликлар гуруҳлар ва қаторлар сифатида онгимизда мавжуд. Бундай гуруҳлар категория ёки парадигма деб аталади. Гуруҳ ёки қатордаги ҳар бир умумийлик (фонема, лексема, морфема, қолип)нинг моҳияти ўз қаторидаги умумийликлар билан шаклан ва мазмунан муносабатлари асосида очилади. Масалан, -нинг морфемаси моҳияти “исмни исм билан тобе алоқага киритиш”дир. Бу белгиси билан –нинг моҳияти “исмни феъл билан тобе алоқага киритиш” бўлган –ни тушум келишиги морфемасига муносабатдошдир. Ёки –дан билан –га . Уларнинг моҳияти нима? Улар қандай белгиси билан бир-бирига муносабатдор бўлиши мумкин? (бирор объект билан ҳаракатни тобе боғлайди).

Хусусийликларни тавсифлаш ва бу тавсифларни умумийлаштириш усули оддий мантикқа таянса, умумийлик моҳиятини таърифлаш ва уларни умумлаштириш диалектик мантикнинг таҳлил усулларига таянади. Бу усулда эса умумийликлар ҳамма вақт тараққиётда, ўзгаришда таҳлил қилинади. Шунинг учун у диалектиканинг умумийлик-хусусийлик, зот(субстанция) ва сифат (атрибут), моҳият ва ҳодиса, сабаб-оқибат, шакл ва мазмун категориялари, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни-инкор қонунлари билан иш тутаяди.

Хусусийликлар алоҳидалик, танҳолик ва такрорланмаслик хусусиятига эга бўлиши билан бирга тамоман бошқа-бошқа нарсалар эмас, балки маълум бир умумийликнинг турли воқеаланиш усулидир.

Фалсафада бутунликнинг мазмуни дейилганда, уни маълум шаклга ҳамроҳ ва қандайдир маъно ифодалаш ёки вазифа бажариш қобилияти деб тушунилади. Шу жиҳатдан лисоний маънога бутунлик сифатида олинган лисоний умумийликнинг шаклига ҳамроҳ ички идеал томон ва вазифа деб таъриф бериш мумкин.<sup>37</sup>

Морфемалар нутқда сўзларга тиркалган қўшимчалар сифатида воқеаланади ва юзлаб матнларда ҳар бир қўшимча юзлаб маъновий бўёқларга эга. Ҳар бир қўшимча тилшунослар томонидан нутқий маънолар жиҳатдан кунт билан таснифланган. Масалан,

<sup>36</sup> Плуноян В. А. Грамматические категории, их аналоги и заместители. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. — М.: 1998.

<sup>37</sup> Булыгина Т.В., Крылов С.А. Категория. // Лингвистический энциклопедический словарь. -М.,1990.

А.Ғуломовнинг –дош, -лик қўшимчалари ҳақидаги, Р.Расуловнинг, Т.Иноятовларнинг келишиқ қўшимчалари ҳақидаги тадқиқотлари. Қўшимчаларнинг умумийлигини ўрганиш эса энди ривожланмоқда. Масалан, Ш.Шаҳобиддинованинг ўзбек тили морфологиясини умумийлик ва хусусийлик диалектикаси асосида ўрганган, З.Қодиров келишиқ қўшимчаларининг дистрибуциясини ўрганган.

**Морфемалар маълум бир шакл ва маъно боғланишидан ҳосил бўладиган бутунликлардир.** Чунончи, -лар морфемаси шакли таркибида учта *л, а, р* фонемаларининг маълум тартибда жойлашиши, маъно таркибида эса ноаниқ миқдорий кўплик ва сифатий бўлинувчанликнинг мавжудлиги мана шундай таркибий қисмлар ва улар орасидаги боғланишларни ташкил этади.

-лар

Шакл боғланиши  
л+а+р

Маъно боғланиши  
ноаниқ миқдорий кўплик+сифатий  
бўлинувчанлик

Морфемик грамматик категориялар бир-бирига қарама-қарши қуйилган морфемик шакллар билан умумий грамматик мазмуннинг ( $Mgk=Msh+Gm$ ) йиғиндисидир.

Морфемик категориялар дастлаб иккига бўлинади:

1. Сўз ясаиш категориялари (янги маъно ҳосил қилувчи деривацион категориялар) Derifat;

2. Сўз ўзгартирувчи категориялар (сўзларни нутқ талабига мослаштирувчи, нутқда сўзларни бир-бири билан алоқага киришишини таъминловчи трансформацион категориялар).<sup>38</sup>Trans

Сўз ясаиш категориялари бутунликни (умумийлик) ташкил қилиб, бу бутунлик икки қисмга ажралади: асос ва дериват. Уларининг муносабатига кўра яна қуйидаги турларга бўлинади:

1. Асос ва исм ясовчи муносабати. Масалан, -чи қўшимчаси *ишчи, спортчи* каби дериватларда асосга қўшилиб маълум соҳа билан шуғуланувчи шахс номини ясамоқда.
2. Асос ва белги ясовчи муносабати. Масалан, -ги қўшимчаси *кузги, баҳорги* каби дериватларда асосдан қарашлилик белгисини ясамоқда.
3. Асос ва ҳаракат ясовчи муносабати. Масалан, -ла қўшимчаси *оқла, тозала* каби дериватларда асосдан ҳаракат маъносини ясамоқда.

Сўз ўзгартирувчи категорияларга кирувчи қўшимчалар асосга қўшилиб, сўзларни нутқ талабига мослаштиради, нутқда сўзларни бир-бири билан алоқага киришишини таъминлайди. Жумладан, *ўқияпти* сўз шаклини олайлик. Қайси қўшимча нутқ талабини бажармоқда? Ёки –да қўшимчаси қайси вазифани бажаради?

Сўз ўзгартирувчи категориялар ҳам грамматик категориялар жумласига киради. Грамматик категория эса яна икки тушунча грамматик маъно ва грамматик форма тушунчалари билан боғланади.<sup>39</sup>

Грамматик маъно лисоний ва нолисоний муносабатларнинг муайян шакл (қолип) да мужассамланган мавҳум инъикосидир. Масалан, *китоби* сўзшаклига эътибор берайлик. Бу шаклдаги –и қўшимчаси китобнинг қандайдир учинчи бир шахсга (сўзловчининг ҳам, тингловчининг ҳам эмас) тегишлилигини билдириб келган. Китоб, албатта, бирор шахсга тегишли бўлади ва бу хил муносабат нолисонийдир. *Муборакнинг китоби* бирикмасида бу

<sup>38</sup> Калинина Л.В. Лексико-грамматические разряды имён существительных как пересекающиеся классы слов (когнитивно-семасиологический анализ). Монография. - Киров, 2009.

<sup>39</sup> Вахнина Т.П. и др.. Современный русский язык. - М., 2004.

шахснинг кимлиги ҳам аниқ кўрсатилган. Аммо “Ўтган кунлар” китоби бирикмасида –и эгалик, тегишлилик ифодаламаяпти, тур ва жинс номини ўзаро боғлаб, бирикма ҳосил қилаяпти. Бу эса лисоний муносабат. Солиштиринг:

Нолисоний муносабат	Лисоний муносабат
Китоби (кимнинг?)	“Ўтган кунлар” китоби (қайси?)
Гули (кимнинг?)	Очилган гули (қайси?)
Аҳмаднинг номери (кимнинг?)	компания номери (қайси компания?)

Кўринадики, нолисоний муносабатда хусусий маънолар юзага чиқса, лисоний муносабатларда умумий маънолар ифодаланади.

Грамматик категориялар асосан учта хусусиятга эга:

1. Грамматик категориялар ўзига хос ёпиқ системани ташкил қилади. Бир-бирига зидланадиган грамматик категория бирликлари миқдори тил структурасига боғлиқ бўлади ва синхрон кесимда бутун ҳолатда намоён бўлмайди. Ҳар бир категория аъзоси битта ва бир нечта бир функционалли шакллар билан ифодаланиши мумкин. Отларнинг сон грамматик категорияси икки аъзо билан шаклланади: бири бирлик шаклда (китоб, қалам, дафтар) бўлса, иккинчиси кўплик шаклда (китоблар, қаламлар, дафтарлар) бўлади.

Адабиётларда грамматик атегорияларнинг миқдорий состави ҳар хил белгиланади. Бу ҳар хиллик категориянинг объёми билан эмас, балки компонентларнинг баҳоси билан белгиланади. Шу жиҳатдан отлардаги келишиклар сони 6,9,10 ва ундан ҳам ортиқ миқдори белгиланган. Бу миқдорнинг кўплиги келишикларни ажратиш усулларининг кўплигини билдиради. Тилнинг грамматик курилишида эса турланиш типларига қараб белгиланади.

2. Категорияни ҳосил қилувчи шаклларнинг грамматик маънолари қуйидагича: ёзаман биринчи шахсни билдиради, ёзасан иккинчи, ёзади учинчи; стол, қалам, дафтар бирлик шаклни, столлар, қаламлар, дафтарлар кўплик шаклни ифодалайди.
3. Морфологик категорияларни ҳосил қилувчи шакллар соддателъном компонентлар орқали бирлашади, бу ҳолат грамматик катеорияларни аниқлашда билинади. Кўрсатилган умумийликларсиз грамматик категориялар шаклланмайди.

## 5-маъруза

### Мавзу: Морфологик категориялар

Режа:

1. Морфологик категориялар ва унинг турлари.
2. Морфологик категориялар таснифи.
3. Морфологик категориялар таҳлили.
4. «Морфологик категория» ва «лексик-семантик қатор» тушунчалари.

Таянч сўз ва иборалар: *морфологик шакл, грамматик маъно, тур-жинс муносабати, номинатив муносабат, феъл категориялари, келишик категорияси, кесимлик категорияси, ўзгаловчи категория, қиёслаш категорияси, содда ва мураккаб категориялар.*

Морфологик категориялар ва унинг турлари

Морфологик грамматик категория бир-бирига қарама-қарши қуйилган морфологик шакллар билан умумий грамматик мазмуннинг (Mgk=Msh+Gm) йиғиндисидир. Грамматик категория грамматик шаклларнинг оддий арифметик йиғиндиси эмас, балки турдаги

шаклларнинг барқарор муносабатлари тизмасидан иборат бўлган янги бир бутунликдир.<sup>40</sup> Шунинг учун грамматик категория ўзи учун хос бўлган умумий маъно (функция)га эга ва бу маъно шу категория шаклларида маълум кўринишларида, турларда парчаланиб, аниқланиб воқеалашади. Шунинг учун категория умумий грамматик маъноси билан категория бирликлари (формалари) умумий грамматик маънолари ўзаро тур-жинс муносабатида бўлади.<sup>41</sup>

Морфологик категориялар дастлаб иккига бўлинади:

1. Номинатив категориялар (от, сифат, олмош) N;
2. Феъл категориялари. F

Бу категориялар ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас. Масалан, *ёзаяпман — ёзаяпсан — ёзаяпти* шакллари шахсни билдиради, шу сабабдан феъл категорияларидан шахс категориясига тегишли; *ёздим — ёзаяпман — ёзаман* шакллари замонни билдиради, шу шунинг учун феълнинг замон категориясига киради; *стол — столлар, китоб — китоблар* шакллари предмет миқдори ҳақида маълумот беради, улар сон категорияси таркибига киради. Грамматик категориялар хусусий морфологик парадигмалар ёрдамида шаклланади.

Ўзбек тилида қуйидаги морфологик категориялар ажратилади:

1. Сон категорияси - [0]: [-лар]
2. Келишик категорияси - [0]: [-нинг]: [-ни] ...
3. Кесимлик категорияси - майл-замон, шахс-сон ...
4. Ўзгаловчи категория – ҳаракат номи, сифатдош, равишош ...
5. Нисбат категорияси – аниқ нисбат, орттирма нисбат ...
6. Эгалик категорияси - [(и)м], [-(и)нг] ...
7. Қиёслаш категорияси - [0]: [-роқ] ...

Морфологик категориялар таснифи

Морфологик категориялар бир неча жиҳатдан тасниф қилинади.

1. Категориялардаги формаларнинг маъновий таркибига кўра грамматик категориялар содда ва мураккаб категорияларга ажратилади. Содда категориялар формалари ўзлари мансуб бўлган маълум бир категория маъноларини ифодалашга хизмат қилиб, бутун моҳияти билан битта категорияга мансуб бўлади. Сон, қиёслаш, келишик, нисбат категориялари содда категориялар жумласидандир.<sup>42</sup> Мураккаб категорияларнинг формалари сирасида айрим маънолар ички парадигмаларни ташкил этиши мумкин. Бу парадигмалар тўлиқ ёки нотўлиқ бўла олади.

2. Морфологик категориялар сўз туркумлари ёки гап бўлақларига хослиги жиҳатдан таснифи. Бу тасниф асосига кўра морфологик категориялар лексик-морфологик ва функционал-морфологик турларга бўлинади. Лексик-морфологик категориялар шундай морфологик категорияларки, улар сўзларнинг айрим гуруҳлари-туркумларига хос. Бундай категориялар сирасига сон, қиёслаш, нисбат, ўзгаловчи категориялари киради. Функционал-грамматик категорияларга келишик, кесимлик категориялари киради. Кесимлик категорияси гап марказини – кесимни шакллантирса, келишик категорияси унинг бошқа бўлақларини шакллантиради. Эгалик категорияси формалари бирор гап бўлагини шакллантириш учун эмас, сўз бирикмаси қурилишини таъминлаш учун хизмат қилади.

3. Морфологик категориялар синтактик имкониятлари, (қобилият)ларининг йўналишларига кўра ҳам тасниф этилади. Нутқ чизик табиатига эга бўлганлиги учун, ундаги барча хусусийликлар бирин-кетинликда жойлашади. Исталган бирликдан кейин ҳам, олдин ҳам нимадир (бўшлиқ ҳам шу жумладан) туради. Шунга кўра грамматик

<sup>40</sup> Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Т., Ўқитувчи, 1979. 6 бет

<sup>41</sup> Борисова Т.Г. Когнитивные механизмы деривации: деривационная категория вещественности в современном русском языке: автореф. дис. д-ра филол. наук - Краснодар, 2008.

<sup>42</sup> Бондарко А.В. Теория морфологических категорий. - Л., 1976.

категорияларнинг синтактик имконият(қобилият)лари “олдингиси билан” ва “кейингиси билан” сифатида белгиланиши мумкин.<sup>43</sup>

Ўзбек тилида эгалик, нисбат, кесимлик, қиёслаш, сон категориялари сўзшаклларнинг “олдингиси билан” алоқаларини кўрсатади. Келишик категорияси сўзшаклнинг “кейингиси билан” алоқаси борлигини кўрсатади.

Туркий тилларда тобе-ҳокимлик муносабати “тобе+ҳоким” каби қатъий бўлганлиги сабабли, “олдингиси билан” белгили морфологик категориялар айни замонда “ҳокимлик” белгили, “кейингиси билан” белгили категориялар эса “тобелик” белгисига эгадир.

### Морфологик категориялар таҳлили

Келишик морфологик категориялар ичида ўзининг синтактик табиати ғоят устунлиги билан ажралиб туради. Шу туфайли ҳам келишикларнинг семантик хусусияти борасида юзага келган қарашлар синтактик жиҳатига берилган баҳога нисбатан хилма-хил ва тарқоқ. Ушбу қарашларни икки катта гурпуага ажратиш мумкин:

1.Келишиклар ўз семантикасига эга эмас.

2.Келишиклар ўз семантикасига эга.

Келишикларнинг ўз семантикасига эга бўлишнинг икки жиҳатдан шартлаш мумкин:

1.Фалсафий жиҳат. Ҳар қандай борлик – ҳар қандай тил бирлиги каби келишикларнинг ҳам мавжуд бўлиши уларнинг моҳиятан зиддиятли иккиланган бўлишини талаб қилади. Синтактик жиҳат ушбу зиддиятнинг бир кутби (нинг мавжудлиги ҳеч кимда шубҳа қолдирмайди) бўлса, иккинчи кутби (унинг борлиги бироз шубҳа туғдирса ҳам) семантикадир.

2.Лисоний жиҳат. Келишикларга моҳиятан хос бўлган зиддиятли жиҳатлар ҳар бирининг реализацияси учун қулай лисоний шароитлар мавжуд. Синтактик жиҳатнинг ёрқин реализацияси учун бундай имконият қанча кенг бўлса, семантик жиҳат учун бу хил имконият чегаралангандир. Сўзнинг синтактик вазифа ўзгармаган ҳолда турли келишикларни қабул қила олиш ўринлари ана шу хил (семантик жиҳатнинг ёрқинлашуви) имкониятни юзага келтиради.

### Келишик категорияси

Ҳозирги ўзбек адабий тилида келишиклар миқдори масаласида турлича қарашлар мавжуд. Бу хил фикрлар, асосан, - гача, -ники, -дек қўшимчалари борасида юритилади. –ники ва –дек нинг келишик парадигмасида ўрни борасида ортиқча баҳсга ўрин йўқ. Бу икки қўшимча ушбу парадигмадан на семантик, на синтактик хусусиятларига кўра ўрин ололади.Қиёсланг: Йўлнинг тоши(қарашлилик белги) – тош йўлники (қарашлилик баҳо). –ники –нинг бажараётган синтактик вазифа туркий изофа ҳосил қилишни бажара олмаслигидан ташқари, гўё уларни яқинлаштираётгандек туюлувчи маъно қисмида ҳам кескин фарқ бор. –нинг ифодаловчи қарашлилик белги табиатига эга бўлса, -ники ифодаловчи қарашлилик баҳо табиатига эга.<sup>44</sup>

Бош келишик ноль шаклли (O).

<sup>43</sup> Борисова Т.Г. Когнитивные механизмы деривации: деривационная категория вещественности в современном русском языке: автореф. дис. д-ра филол. наук - Краснодар,2008.

<sup>44</sup> Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. Филол.фанлари д-ри... дис.автореф. – Т.: 2005

Бош келишиқдаги сўзшакл гап таркибида хоҳлаган гап бўлаги вазифасида келиши мумкин. Сўз бирикмаси таркибида бош келишиқдаги сўз ҳоким позицияда ҳам “кейинги”, тобе позицияда ҳам “олдинги” тура олади:

а) кечаги вақт, гул барги, чаққон қиз...

б) Андижон шаҳри, гишт девор, онаси Арофат...

Бошқа ҳамма келшиқлар, бу ерда айнан синтактик мавқе назарда тутилмоқда, фақат тобе позицияни эгаллай олади. Бошқа келишиқлар ҳам “белгисиз” қўлланиши мумкин, лекин улар бошқа келишиқда бўлади. Келишиқлар сирасида ягона (О) бўлган бош келишиқ ана шу хил ҳолатларда реаллашади. Ҳамма ўринларда ҳам бош келишиқ бошқа келишиқларнинг ўрнини босиш имкониятига эга эмас.

Бош келишиқнинг тушум келишиги ва қаратқич келишиги билан ўрин алмашиш имкони кучли. ЧК, ЖК ва ЎК лар билан ўрин алмашиш имкони ниҳоятда чегараланган.

Қаратқич келишиги уч хил вариантда кўрсатқичга эгалиги кўрсатилади:

1)- нинг: дўстимнинг бахти;

2) –инг (I, II шахс кишилиқ олмошидан кейин): менинг уйим;

3) –н (шеъриятда, III шахс эгалиқ аффиксидан кейин): қошин қароси.

Қаратқич келишиги қўшимчасини олган сўз одатда эгалиқ қўшимчасини олган сўз билан ҳам боғланиши мумкин: Бизнинг айвон сизнинг айвон эмасми? (Кўшиқдан)

Иккинчи ҳолатда (эгалиқ аффиксисиз сўз билан боғланиш) қаратқич қўшимчасидаги қарашлиқ маъносининг кучайиши, сўзни сўзга боғлаш (туркий изофа ҳосил қилиш) имкониятининг сусайиши билан характерланади. Бундай ноизофавий аниқловчи вазифасида келиш имконияти изофавий аниқловчи вазифада келиш имкониятига нисбатан анча қадимийроқ бўлиб, у учун асос ҚК кўрсатқичи олган сўз учун туркий тиллар тарихида эга ва кесим позициясида ҳам келиш имкони мавжуд бўлганидир. *Шунинг билан, менинг каби ёки уйғача, келгандан сўнг...* Бу ҳолатда тил бирлигининг фаолияти тугайди. *Қўққисдан, бирдан* каби равишлар таркибида келишиқлар ана шу туфайли “қотиб қолган”, сўзнинг жаралмас қисмига айланган.

ТК (кўрсатқич -ни)даги сўз фақат феъл билан бошқарилади. Феъллар ТКдаги сўзга муносабатига кўра иккига ажралади: ўтимли феъллар (ТКдаги сўзни бошқариш имкониятига эга) ва ўтимли феъллар (ТКдаги сўзни бошқармайди).<sup>45</sup>

ТК билан шакланган сўз гап таркибида воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажаради: *Самандаров келиб болани супага чиқариб қўйди* (А.Қаҳҳор).

Чиқиш келишиги (кўрсатқичи -дан) ва бош келишиқнинг ўрин алмашиши имконияти жуда чегараланган: *нондан енг – нон енг, шакардан беринг – шакар беринг...* ЧКдаги сўзнинг гап таркибида иккинчи даражали бўлак ва кесим бўлиб келиши кенг тан олинган. Шунингдек, бу хил келишиқдаги сўзнинг эга вазифасида кела олиши ҳақида ҳам фикр билдирилган ўринлар учрайди: *Хонамизда турли гуллардан бор.*

ЖК (кўрсатқичи -га) семантикаси хослик, йўналганлик, тенглаштириш каби маъно тусларидан тузилган. ЖКдаги сўз қайси маъно тусининг реаллашувига бошқарувчи сўз табитан катта таъсир кўрсатади: *жонга жон, қонга қон; осмонга тенг қадди қадди-басти; кўчага қаради; ёлгонга ишонди...*

ЎК (кўрсатқичи -да) нинг БК билан ўрин алмашиши ҚК ва ТК га нисбатан камроқ фарқланувчидир. Қиёсланг: *ўн тўртинчи йил институтни тугатдим// ўн тўртинчи йилда институтни тугатдим.*

ЎКдаги сўз ҳаракат-ҳолатнинг муайян ўринлашувини билдиради. Қуршовчи матн хусусиятидан келиб чиқиб макон, замон, объект, восита каби маъно туслари реаллашуви мумкин.

Синтактик ва семантик жиҳатдан келишиқ категорияси УГМсининг зиддиятли икки томонини ташкил қилади. Келишиқ категорияси синтактик жиҳатдан ҳоким-

<sup>45</sup> Калинина Л.В. Лексико-грамматические разряды имён существительных как пересекающиеся классы слов (когнитивно-семасиологический анализ). Монография. -Киров, 2009.

тобеликни ифодалаш, семантик жихатдан фарқлаш ва локаллашув кўрсатиш учун хосланган.<sup>46</sup>

#### Сон категорияси

(О) ва (-лар) шакллари ҳозирги ўзбек тилидаги миқдор англатиш учун хосланган шакллардир. –лар ифодаловчи хусусий грамматик маънолар қуйидагилар:

1.Кўплик ифодалаш: Қизлар чуғурлашиб юуриб кетишди. Бунда миқдорий ноаниқлик, сифатий бўлинувчанлик ифодаланмоқда.

2.Жамлик ифодалаш: Ўқитувчилар газетаси.

3.Ўхшашлик ёки боғлиқликка асосланган кўплик ифодалаш: Қодирий йўқ, Зайнаблар омон... (М.Юсуф)

4.Тахмин ифодалаш: Беш кунлар аввал...

5.Кучайтирилган маъно ифодалаш: Бошларим оғриб кетди.

(О) нинг ХГМлари қуйидагича:

1.Жамликни ифодалаш: Бўзчи белбоққа ёлчимас.

2.Кўплик ифодалаш: беш киши (миқдорий аниқ), бир-икки киши (ноаниқ)

3.Бирлик ифодалаш: ушбу кун.

Ҳар икки шаклда ҳам жамлик табиати фарқли бўлиб, (О) шаклда яхлитлик, бутунлик маъноси кучли бўлса, (-лар) да, аксинча, бўлинувчанлик оттенкаси сақланиб қолади.

#### Кесимлик категорияси

Майл, замон, шахс ва сон, бўлишли-бўлишсизлик маъноларини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзбек тилшунослигида тўрт категорияга бирлаштириш ва бу тўрт категорияни феълга нисбат бериш анъанага айланган. Аммо шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, феъл бўлмаган сўзлар ҳам ушбу кўрсаткичлар билан шакллана олади. Масалан,

Мен ишлайман // Мен ишчиман

Бу икки гапда феъл ва феъл бўлмаган (от) сўзнинг бир хил шахс-сон қўшимчаси олиб ўзгаришига нима сабаб бўлаяпти? Афтидан, бу умумийлик уларнинг бир хил синтактик вазифа ўташида намоён бўлади. Ҳар иккила сўз ҳам кесим вазифасида келмоқда.

И.И.Мешчанинов ёзади: "...шахс-сонда ... сўз туркуми эмас, балки гап бўлаги ўзгаради."<sup>47</sup> Албатта, сўз туркумига (феълга) ҳам шахс-сонда тусланиш хос, бироқ бу мутлақ унинг ўзигагина хос белгиси эмас: феълнинг ўзи ҳам шахс-сонда шунинг учун ўзгарадики, тилда ҳар қандай кесим шахс-сонда ўзгаради". Хулоса қилиб айтганда, шахс-сон, замон ва майл кесимликни ифодаловчилар экан. Бу кўрсаткичларни тўлиғича феълга боғлаб қўйиш номақбулдир. Хулоса қилиб айтганда, шахс-сон, замон ва майл, тасдиқ-инкор кесимликни ифодалайди. Аммо кесимликнинг ифодаланиши учун булар ўзи етарли эмас. Масалан, *Деди-дедилари жонга тегиб, юзини ўғирди*. Ушбу гапда деди сўзшакли майл, замон, тасдиқ-инкор, шахс-сон жихатидан морфологик шаклланган бўлса-да, кесим эмаслиги аниқ. Кесим бўлиш учун унга ушбу морфологи кўрсаткичлардан ташқари шу кўрсаткичлар билан шаклланган сўзни айнан кесим вазифасига хословчи синтактик категориянинг амали ҳам зарур. Синтактик категория амал қила бошлагач, сўз ҳам шу синтактик вазият учун зарур позицияни эгаллайди.

Майл ва замон категорияси бир-бирига зич боғланган, замон категорияси ҳаракатнинг нутқ моментига, майл категориясининг эса айни шу ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодалайди. Демак, ҳар иккаласи бир ҳаракатнинг муносабатларини

<sup>46</sup> Исаченко А.В. Грамматический строй русского языка в сопоставлении с словацким. Морфология. В 2 ч. Ч.1- Братислава,1965

<sup>47</sup> Ярцева В. Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков. - В кн.: Типология грамматических категорий. Мещаниновские чтения. -М., 1975, с. 5.

ифодалайди. Майл-замон категориясининг моҳиятининг семантик томони майл ва замон ифодалаш, синтактик томони эса гап кесимини шакллантиришда қатнашиш ташкил қилади.

Шахс-сон категориясининг моҳиятининг семантик томони шахс ва сон ифодалаш, синтактик томони эса гап кесимини шакллантиришда қатнашиш ташкил қилади.

Тасдиқ-инкор категориясининг моҳиятининг семантик томони бўлишли ва бўлишсизликни ифодалаш, синтактик томони эса гап кесимини шакллантиришда қатнашиш ташкил қилади.

Бу категориялар “гап кесимини шакллантиришда қатнашиш” синтактик умумий белгига кўра бир категорияга бирлашади ва “гап кесимини маъновий шакллантириш” белгисига кўра эквиолент зиддиятга киришади: майл:замон, шахс:сон, бўлишли:бўлишсизлик.

### Ўзгаловчи категория

Феълга хос бўлган муайян шакллар борки, улар феълнинг маълум бир, -иб, -а, -й, -гач, -гунча, -гани равишга хос (ҳаракатнинг белигисини кўрсатиш), -(и)ш, -(у)в, -моқ отга хос (предметни билдириш), -ган, -(а)р сифатга хос (предмет белгисини билдириш) вазифаларига хослайди.

Ушбу шакллар номланиши турлича: нокатегориалтшакллар, функционал шакллар, репрезентация категорияси, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи, категорияси, ўзгаловчи категория каби атамалар ишлатилади. Биз масала моҳиятини тўлароқ акс эттиргани, бу шаклллар “... умумий белгиси феълларни ўзгалаш бўлганлиги туфайли” (Менглиев Б.Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари: Филол.фанлари номзоди...дис.автореф. –Тошкент, 1996, 18 бет)ўзгаловчи атамасини маъкул топдик.

Равишдош шакллари уч кичик гуруҳга бўлинади:

1. –(и)б, -а(й) феълни феълга боғлайди, давомли-даомсизлик белгисига кўра фарқланади.
2. –гач, -гунча, -ганда феълни феълга боғлайди, ўзаро замон маъносига кўра фарқланади.
3. –гани (-гали) феълни феълга боғлайди, мақсад маъносини ифодалашига кўра фарқланади.

Кўринадики, шаклларнинг барчаси равишдошга хос бўлган “феълни феълга боғлаш” жиҳатидан бир хил, ўзаро фарқлари эса равишдош учун категориал ҳисоблаб бўлмайдиган замон, давомли-давомсизлик, сабаб-мақсад маънолари асосида экан.

Равишдошда бўлгани каби, ҳаракат номларида ҳам -моқ, -ув, -иш шакллари ҳаракат номи категориясининг алоҳида шакллари сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки улар ҳаракат номига хос бўлган умумий маънони (феълга отлик хусусиятини бериш) парчалаб эмас, бир бутун, яхлит ифодалайверади. Ҳаракат номлари шаклларининг алоҳида шакл эмас, ягона умумий шакл вариантлари эканлиги равишдош шаклларига нисбатан ҳам аниқроқ кўринади. Чунки ҳаракат номлари шаклларида равишдош шаклларида бўлгани каби бошқа категориялар маъновий хусусиятлари акси билан мураккаблашув йўқ.<sup>48</sup>

Сифатдош шакллари –ган, -ар, -увчи, сифатдошнинг инкор шакли –мас шаклларининг барчаси феълга сифатга хос хусусиятлар бериш – предмет белгисини ифодалашга хослаш вазифасини бажариб, ўзаро фарқлари замон, услуб, модалликка оиддир. Улар алоҳида шакллар эмас, ягона сифатдош шакли вариантларидир.

---

<sup>48</sup> Щерба Л. В. О служебном и самостоятельном значении грамматики как учебного предмета. - В кн.: Щерба Л. В. Избранные работы по русскому языку.- М., 1957.

Хулоса қилиб айтганда, ўзгаловчи категориясининг 3 шакли мавжуд. Ҳар учала шаклга феълни ўзгалаш – унга бошқа бир туркум хусусиятларини бериш хос. Демак, улар бир хил вазифа бажаради. Аммо фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу турлича туркумларга хослашда кўринади. Бошқача қилиб айтганда, бу шакллар бир умумий грамматик маънонинг айрим қисмларини ифодалайди. Шунга кўра уларни бир категорияга жамлаш мумкин.

Ўзгалаш категорияси аъзолари “феълни ўзлаш” белгисига кўра эквивалент зиддиятга киришади: равишдош – равишга хосланиш, сифатдош – сифатга хосланиш, ҳаракат номи эса отга хослаш белгисига эга. Равишдош ва сифатдош “феълни боғлаш” белгисига кўра эквивалент зиддиятда туради: равишдош феълни феълга, сифатдош феълни отга боғлайди. Ҳаракат номи белгига бефарқ.

Ўзгалаш категорияси умумий грамматик маъносини семантик жиҳатдан феълга бошқа туркум хусусиятларини бериш, синтактик жиҳатдан феълни феъл ва от билан боғлаш ташкил қилади.

## 6- маъруза

### Синтактик категориялар

#### РЕЖА:

1. Синтактик грамматика.
2. Синтактик категориялар турлари:
  - а) синтагматика категориялари;
  - б) парадигматика категориялари

Таянч сўз ва иборалар: *морфология, синтаксис, сон, келишик, замон, қиёслаш, сўзловчи, тингловчи, умумий сон, синтактик тушунча, паратаксис, гипотаксис, гипертаксис, тасдиқ-инкор, модаллик, аниқлик-ноаниқлик, сон, эгалик.*

### Синтактик грамматика

Тилшуносликда грамматика асосан, иккига бўлиб ўрганилади. Морфология ва синтаксис. Морфологик категорияларни сизлар билан кўриб чиқдик. Морфологик категорияларда

(Ш → М) шаклдан мазмунга қараб нуқтаи назаридан ўрганилса, синтаксисда (М → Ш) мазмундан шаклга қараб нуқтаи назаридан ўрганилади.<sup>49</sup>

Синтаксисда ўрганиладиган масалалардан бири, бу сондир. Аввал, кўпликнинг турли воситалар орқали ифодаланиши ўрганилади: *гуллар, биз, улар, югуришиди, ҳамма.* Сўнгра қандай восита орқали ифодаланганига қарамай бирлик ва кўпликнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Масалан: “минг бир кеча”да кўпликнинг ифодаланиши, “бир кишидан”да бирликнинг ифодаланиши, маълум бир синфни ифодалаш учун бирлик ёки кўпликнинг ифодаланиши “мушук – тўрт оёқли жонивор”, “мушуклар – тўрт оёқли жониворлар” каби. Худди шу каби келишик, замон, қиёслаш даражаси ҳам ўрганилади. Жумладан, қуйидаги мисолларни солиштиринг:

“мен эртага кетмоқчиман”

“мен эртага кетаман”

“мен эртага кетишимга тўғри келади”

“мен эртага кетишим мумкин”.

Кўринадики, синтаксисда морфологияга қараганда масалалар кенг миқёсда ўрганилади ва шунга биноан муаммолар ҳам кенгайди.

---

<sup>49</sup> Борисова Т.Г. Когнитивные механизмы деривации: деривационная категория вещественности в современном русском языке: автореф. дис. д-ра филол. наук - Краснодар, 2008.

Синтаксисда икки нукта мавжуд: бу сўзловчи ва тингловчидир. Диалогда тингловчи фаолияти турли товуш ва шакллар билан иш кўради, шу тариқа у уларнинг маъносини тушунишга ҳаракат қилади.<sup>50</sup> Демак, тингловчи фаолияти ташқи томондан ички томонга йўналган бўлади (Т И). Сўзловчи эса тескари фаолият бажаради, яъни ўйлаган маълум фикрни тингловчига етказиш учун керакли воситалар орқали ифодалашга ҳаракат қилади. Шу тариқа ички томондан ташқи томонга йўналади (И Т).

Синтаксисда шундай грамматик категорияларни тан олиш керакки, улар формал ифодага эга бўлиши шарт. Бунда формал тушунчасини кенг маънода тушуниш зарур, формал сўзлар билан бир қаторда сўзларнинг гапдаги ўрни ҳам киради. Лекин бу тамойилга асосланиш ногўғри хулосага олиб келмаслиги керак. Масалан, *битта қўй, бешта қўй, кўп қўй*:

Охирги шакл бирликда ҳам эмас, кўпликда ҳам эмас, умумий сон формасидир. Ёки:

*Мен ҳар куни бармогимни кесиб оламан.* (ҳозирги замон эмас)

Ёки солиштиринг:

*Оталар ўз ўғиллари билан фахрланадилар* (нима қиладилар?).

*Оталарнинг ўз ўғиллари билан фахрланиши* (нима?).

Кўринадикки, бир сўз маълум вазиятда феъл, иккинчи вазиятда от ўрнида ишлатилапти.

### Синтактик грамматика турлари

Синтактик грамматика турларини ажратишдан аввал, синтактик тушунчаларни ажратиб олишимиз зарур. Синтактик тушунчаларга нималар киради? Ҳар бир шаклнинг синтактик вазифаси назарда тутилади. Масалан, бирлик сонини ифодаловчи ҳамма шакллар, жўналиш келишининг ҳамма шакллари ёки биринчи шахсни ифодоловчи барча шакллар. Буларнинг ҳаммаси синтактик тушунчалардир.

#### Синтактик синтагматика категориялари

Синтактик синтагматикага структур-синтактик категориялар киради, яъни синтактик муносабат типлари:

- 1) эргашиш (синтаксис), уйдан чиқди, уйдан чиқиш; болта тушгунча, кунда дам олади; баҳор келиб гуллар очилди.
- 2) Паратаксис – паст тобеланиш.
- 3) Гипотаксис – ўрта тобеланиш.
- 4) Гипертаксис – юқори тобеланиш.<sup>51</sup>

Паратаксисда тобе муносабат имплицит тарзда бўлади: *Доно гапирмайди, нодон вайсайди. Мен биламан, сен донг чиқаришни яхши кўрасан. Қаландаров ўгли Козимбекни қаттиқ соғинган экан, бутун кунини уйида ўтказди.*

Бу мисолларда оддий шаклдаги икки (доно гапирмайди, нодон вайсайди; мен биламан, сен яхши кўрасан) семантик ядро мавжуд. Тобе муносабатнинг имплицит тарзда ифодаланиши тобеланиш даражасининг пастлигини кўрсатади, шу сабабли бу семантик ядро содда гапнинг семантик ядросидан бошқа семантик ядролар билан қўшилиш, уйғунлашиш хусусиятига эга эканлиги билан фарқланади.

Гипотаксисда компонентлар ўрта тобеланиш даражасида бўлади. Тобе муносабатни ифодаловчи эргаштирувчи воситаларнинг қўлланиши паратаксисни гипотаксисга айлантиради, яъни тобе муносабатни кучайтиради, тобеланиш ўрта даражага ўтади. Масалан, *Мен шуни биламанки, сен донг чиқаришни яхши кўрасан. Қаландаров бутун кунини уйида ўтказди, чунки ўгли Козимбекни қаттиқ соғинган эди.*

<sup>50</sup> Борисова Т.Г. Когнитивные механизмы деривации: деривационная категория вещественности в современном русском языке: автореф. дис. д-ра филол. наук - Краснодар, 2008.

<sup>51</sup> Плунгян В. А. Грамматические категории, их аналоги и заместители. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. — М.: 1998.

Юқорида келтирилган мисолда *шунки, -ки, чунки* эргаштирувчи воситалар тобе муносабатни кучайтирган.

Гипертаксисда таксислар бир-бирига пайвандланган бўлади (спаянные), уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Масалан, *Қўққисдан шамол ёшироқ кўринган қизнинг, зотан ҳар иккови ҳам ёш қизлар эди, шляпасига чатилган узун яшил тўрни очиб юборди, қизнинг сутга чайилгандай оппоқ юзи, олтин тусли сочи, тиниқ мовий кўзлари кўриниб кетди. Дарс тайёрлашдан чарчаб, университетга кириши учун тайёргарлик кўраётгандим, дарёга чўмилгани кетаётган эдим. Қаҳратон қишда ялангоёқ муз босиб, саратонда қизгин қус кечиб, иссиқда, совуқдан обдан пишган йигитни ҳам, ... кун хийла бетоқат қилган эди* (Ойбек). Кўринадики, илмий адабиётларда мураккаб гаплар, мураккабланишган содда гаплар деб юритилувчи турни гипертаксисга киритишимиз мумкин. Гипертаксис қисмлари гипотаксисга нисбатан ҳам зич алоқага киришган, тобе жиҳатдан ҳам энг юқори даражага кўтарилган туридир.

Синтактик парадигматика категориялари

Синтактик парадигматика категориялари гапнинг грамматик категориялари, коммуникатив ёки жумла ўзгартирувчи грамматик категориялардир.

Парадигматик категорияларга қуйидаги категориялар киради:

1) гапларнинг фарқловчи белгилари (жумланинг мақсадли мослашиши, тасдиқ-инкор (грамматика), модаллик ва бошқалар); Масалан, *Менинг боришим керак, менинг бормаслигим керак. (Тасдиқ-инкор) Мен ҳам боришим керак. (бошқалар ҳам боради)*

“сен эртага тайёрламоқчимсан”

“сен эртага тайёрлайсан”

“сен эртага тайёрлашинга тўғри келади”

“сен эртага тайёрлашинг мумкин”.

синтагма грамматик категориялари (тузувчилар, гап бўлаклари, сўз бирикмалари), масалан, исм гуруҳи грамматик категориялари(аниқлик-ноаниқлик, сон, эгалик);

1) предикат (диарез) грамматик категориялари (тасдиқ-инкор категорияси, майл-замон категорияси, шахс-сон категорияси, ўзгаловчи категория); Мен ишчиман-мен ишлайман.

2) атрибут грамматик категориялари(қиёслаш даражаси ва интенсивлиги) ва бошқалар.

Синтактик грамматик категорияларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

- Категория белгисининг модифиция типиди,
- Унинг синтаксисга тааллуқлилиги,
- Категория шаклларида бирининг танлаш мажбурияти,
- Уни ифодалашнинг доимий усуллари (наличие).

Ушбу хусусиятлар биргаликда категориянинг грамматик хусусиятларини сўзсиз қабул қилишни билдиради, аммо уларнинг ҳар бири алоҳида грамматик категориянинг белгиси бўла олмайди.